

Онанинг фазилати



17:30 / 14.04.2019 2982

Абу Хурайра розияллоху анху айтадилар: **«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, гўзал муомала-муносабатда бўлишимга энг ҳақдор инсон ким?» деб сўраган эди, у зот: «Онанинг», деб жавоб бердилар. «Кейин-чи?» деган эди, яна: «Онанинг», дедилар. «Кейин-чи?» деган эди, яна бир бор: «Онанинг», дедилар. «Кейин-чи?» деган эди, «Отанинг» дедилар»** (Муттафақун алайҳ).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам онага яхшилик қилишга уч бора буюриб, кейин отага яхшилик қилишга иршод этдилар. Чунки фарзанд ўстиришда она кўпроқ қийинчиликни бошидан ўтказади ва отага қараганда меҳрибонроқ бўлади.

Муовия ибн Жоҳима айтадилар: **«(Отанинг) Жоҳима Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Мен ғазот қилмоқчиман, сиздан маслаҳат сўрагани келувдим», деган эди, у зот соллаллоху алайҳи васаллам «Онанинг ҳаётми?» деб сўрадилар. У: «Ҳа», деди. «Бориб онанингни лозим тут (мудом хизматида бўл). Зеро, жаннат онанинг оёғи остидадир», дедилар Набий (Ҳоким ривояти).**

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу айтадилар: **«Бир аёл: «Ё Расулуллоҳ, мана бу ўғлимга қорним жой, бағрим бошпана, кўкрагим эса суғорадиган меш бўлган эди. Энди отаси уни тортиб олмоқчи», деди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Модомики, никоҳланмас - бошқа эрга тегмас экансан, сен унга ҳақлироқсан», дедилар»** (Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари).

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хола она мақомидадир»**, деганлар (Аҳмад, Бухорий, Муслим ривоятлари).

Яъни, холага ҳам яхшилик, хайр-эҳсон, ҳурмат кўрсатиш лозим.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо елкасига онасини мингизиб олиб, Каъбани тавоф қилдираётган кишини кўрдилар. У киши: «Эй Ибн Умар, мен онаминг ҳаққини адо қила олдими?» деб сўраган эди, у зот: «Тўлғоқларидан бир тўлғоқ ҳаққини ҳам адо эта олмадинг. Бироқ, яхши иш қилдинг. Аллоҳ сенинг озгина яхшигилингга кўп савоблар адо этур», дедилар.

Бикир айтганларки: «Қайси бир киши онасига гапини эшитадиган даражада яқин бўлса, бу унга Аллоҳ йўлида қилич чопишгандан кўра афзалроқдир. Онасига назар солиш эса барча нарсадан афзалдир».

Аллоҳдан бизни Ўзининг розилигига муваффақ этмоғини, ғазабига учрашдан сақламоғини сўраймиз. Албатта, У марҳаматли, меҳрибон ва раҳмли зотдир.

«Гуноҳи кабиралар» китобидан